



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислон Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юритиб келаётган суверен давлатдир. Ўзбекистон олтидан ортқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДХ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёнинг 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консулликлар), Тошкентда эса олтидан ортқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликка раҳна солиши мумкин бўлган ҳавф ҳамда жаҳоннинг турли минтақалари, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида зиддиятлар кучаймоқда, қуроли тўқнашув ва низолар кескин тус олмақда. Президентимиз Ислон Каримов МДХ давлат раҳбарларининг Минскда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида «бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, қучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уч долзарб масалани кўтарди. Биринчиси — МДХнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, истиқболи ва келажагини қандай таъсир эттиришидан иборат. Эеро, МДХ — Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари маконидир. Бу эса кўпгина омиллар билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, Ҳамдўстлик унга аъзо ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифок ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИМКОНИЯТИ

●●● Ғаллаорол туманида БПТ етакчиларининг навбатдаги ўқув-семинари бўлиб ўтди

«Бошланғич партия ташкилотлари кун» доирасида ташкил этилган ўқув-семинарда 2300 нафар партиядошимизни бирлаштирган 60 та БПТ етакчилари, тарбиячилар, партия фаоллари иштирок этди.

Унда партиянинг жамиятдаги роли ва мавқеини оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни, етакчилик масъулияти ҳақида фикр алмашилди, қўйи бугундаги тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Сиёсий партияга куч-қувват берадиган, унинг нуфузини оширадиган муҳим институтлардан бири — бу унинг бошланғич ташкилотлари, албатта. Қўйи бугун қанча фаол ва ташаббускор бўлса, сиёсий партия дастурий мақсадлари амалга ошишининг кафолати ҳам шунча мустаҳкамланади.

2

Депутатлик гуруҳи — электорат манфаати ҳимоячиси



Ижтимоий масалалар самарали ҳал этилишига қандай ҳисса қўшаямиз?

●●● Бу савол Бухоро вилояти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг доимий диққат марказида турибди

Хўш, жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари қандай амалий ишлар олиб борди? Ислохотларнинг ижтимоий самарасини таъминлашда уларнинг иштироки қандай бўлди?

— Вилотимизда ЎзХДПнинг 27 мингдан ортқ аъзоси бор. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 19 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 104 нафар ЎзХДПдан сайланган депутат фаолият юритмоқда. Партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳудуд-

ларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ ишларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаёпти, — дейди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева. — Туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига электорат манфаатлари ҳи-

моясига қаратилган қатор масалаларни киритаяпти. Натижада ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари атрофича таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни ҳар томонлама бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

www.mehnat.uz

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг мазкур сайтидаги меҳнат бозори бўлимида мамлакатимиздаги бўш иш ўринлари ҳақида сўнги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. У ерда вилоят, туман ва шаҳарлар бўйича, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги бўш иш жойлари билан танишишингиз мумкин.

Сиёсий етакчилар фаолияти кенг ёритилса...

●●● «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарини мунтазам ўқиб борамиз. Тиббиёт ходимлари ҳаёти, тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳақидаги мақолалар, айниқса, маъқул бўлмоқда.

Юртимиз ва дунёдаги воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиш, партиямиз фаолияти билан доимий равишда танишиб бориш мақсадида 30 нафар ҳамкасбимиз келгуси йил учун мазкур газеталарга обуна бўлди.

Шу ўринда ўз таклифимни айтмоқчиман. Партиямизда ўз фаолияти билан ҳаммага ўрнак бўладиган фаоллар

кўп. Масалан, бирлашмамизда 80 нафар ЎзХДП аъзосини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотиде ташаббускор ва янгиликка интилувчан ёшларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Биргина жорий йилда сафимиз 18 нафар ёш билан кенгайди. Назаримда, ижтимоий-сиёсий фаол ёшларимиз, тажрибали етакчилар фаолияти тўғрисидаги

материалларни мунтазам бериб бориш ҳар томонлама фойдали бўлади, деб ўйлайман. Негаки, уларнинг тажрибаси бошқаларни ҳам ташаббускорликка ундайди. Фуқаролар ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қанчалик фаол бўлса, жамият шунчалик тез тараққий этади ва барқарорлиги мустаҳкам бўлади.

Эшқувват САДАТОВ,
Музработ туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, ЎзХДП аъзоси.

Маҳаллаларда
КАСАНАЧИЛИКНИ
ривожлантириш
оилалар фаровонлигига
хизмат қилмоқда
3

«Ўзбек тилида
қўшиқ куйлаш
ниятим бор»

Бу «Шарқ тароналари»
IX халқаро мусиқа
фестивали махсус
мукофоти совриндори
эстониялик Триину
Таулнинг сўзлари



4

СПОРТ

мени чиниқтирди,
элга танитди



Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори
Сабоҳат Роҳатова
ана шундай фикрда

4

Қўлбола

«Дўконлар»даги
қўлбола маҳсулотлар

4

Кейинги сонларда

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» қонун қабул қилиниши кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишида, кўплаб иш ўринлари очилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу ҳақида таҳлилий мақола билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

**Битирувчилар
келажаги,
ёшлар тақдири**

уларнинг бандлиги
таъминланишига боғлиқ



Сиёсий партия

ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий вазифалардан келиб чиқиб, электоратни ўйлан-тираётган масалаларни изчил ўрганиши, муаммолар ечимига жавоб излаши зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш талаб этилади.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

